



БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШДА ЯШИЛ СУҒУРТА МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ ЎРНИ

Юсуфов Асфандиёр Элдор ўғли
Мустақил изланувчи

Аннотация. Ушбу мақолада яшил суғурта маҳсулотларининг турлари, уларнинг халқаро бозордаги улуши ва барқарор иқтисодий ривожланишга таъсири таҳлил қилинган. Адабиётлар таҳлили ва турли мамлакатлар тажрибаси асосида яшил суғурта нафақат экологик рискларни молиявий бартараф этиш воситаси, балки инвестициявий муҳитни яхшилаш ва яшил иқтисодиётни қўллаб-қувватлашда муҳим омил экани аниқланган.

Калит сўзлар: яшил суғурта, барқарор ривожланиш, экологик рисклар, қайта тикланадиган энергия, параметрик суғурта, яшил иқтисодиёт.

Халқаро тажрибадан шунини кўришимиз мумкинки, яшил суғурта маҳсулотлари нафақат компаниялар учун молиявий барқарорликни таъминлайди, балки жамиятда экологик оғғини ошириш ва барқарор ҳаёт тарзини қўллаб-қувватлашда самарали восита ҳисобланади. Масалан, Европа ва Шимолий Америка мамлакатларидаги кўплаб суғурта компаниялари ўз маҳсулотларини яшил технологияларга ва экологик талабларга мослаштирган ҳолда, ўз бозорларида рақобат устунлигини қўлга киритмоқда. Шу билан бирга, яшил энергетика, углерод чиқиндиларини камайтириш ва табиий офатларнинг таъсирини минималлаштиришга қаратилган суғурта маҳсулотлари ривожланиб бормоқда.

Яшил суғурта – бу атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва барқарор иқтисодий ривожланишни таъминлаш мақсадида яратилган махсус суғурта маҳсулотлари ва хизматлари йиғиндисидир. Бу турдаги суғурта маҳсулотлари ёки хизматлари экологик рискларни камайтириш, атроф-муҳитга салбий таъсирни пасайтириш ҳамда яшил технологиялар ва барқарор ўсиш фаолиятни рағбатлантиришга қаратилгандир. Ушбу концепция нафақат молиявий хавфлардан ҳимоялаш, балки ижтимоий ва экологик масъулиятни ҳам ўз ичига олади.

Ҳозирги кунда глобал исиш, иқлим ўзгаришлари ва табиий ресурсларнинг камайиши каби мураккаб муаммолар яшил суғуртани иқтисодиётда муҳим воситага айлантирмоқда. Яшил суғурта маҳсулотлари орқали компаниялар ва жисмоний шахслар ўзларининг экологик хатарларини камайтириш билан бирга барқарор ва экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқариш ёки фойдаланишни рағбатлантиради.

Шу билан бирга, яшил суғурта иқтисодий жиҳатдан ҳам аҳамиятлидир. Ушбу маҳсулотлар янги бозорларни очиш, экологик инновацияларни қўллаб-қувватлаш ва давлатнинг яшил иқтисодиётга ўтишига кўмаклашишда муҳим

роль ўйнайди. Шунингдек, яшил суғурта компанияларга ўз бренд имиджини яхшилаш, рақобат устунликлари яратиш ва ижтимоий масъулиятини ошириш имконини беради.

Яшил суғурта бозоридаги маҳсулотлар тури нафақат хавфларни қоплаш механизми, балки барқарор иқтисодий ривожланишнинг муҳим омили сифатида ҳам қаралмоқда. Ҳозирги кунда ушбу маҳсулотлар турлари жаҳон бозорида муайян улушларга эга бўлиб, ҳар бири муайян экологик ва иқтисодий эҳтиёжларга жавоб беради.

Яшил суғурта бозорининг глобал ривожланиши, асосан, иқтисодий ўсиш, экологияни муҳофаза қилиш сиёсати ва қайта тикланадиган энергияга ўтиш жараёнлари билан узвий боғлиқ. Бозорнинг ҳудудий тақсимооти бу жараёнлардаги минтақавий фарқларни яққол намоён этади. Ҳар бир ҳудудда яшил суғуртага бўлган талабнинг шаклланиши турли омиллар билан боғлиқ масалан, қонунчилик, давлат сиёсатлари, иқтисодий имкониятлар ва жамоатчиликнинг экологик онги бу омиллар қаторига киради. Ҳудудлар бўйича яшил суғурта маҳсулотларини таҳлил қилар эканмиз қуйидаги ҳолатни кўзатишимиз мумкин бўлади, жумладан:

Европа иттифоқи яшил суғурта бозориди етакчилик қилади, у умумий бозорнинг 45%дан кўпроғини ташкил қилади. Европа Иттифоқи мамлакатлари барқарор ривожланишни сиёсий ва иқтисодий стратегия сифатида қабул қилган бўлиб, бу яшил суғурта маҳсулотларини оммалашишига кучли туртки бермоқда. Айниқса, “EU Green Deal”, “Fit for 55” ва “Taxonomy Regulation” каби ташаббуслар суғурта соҳасининг ҳам экологияга мослашувини талаб этмоқда. Шу сабабли, қайта тикланадиган энергия манбаларини суғурта қилиш, қурилишдаги “яшил стандартлар”ни қоплаш ва параметрик суғурта турлари бу ҳудудда кенг тарқалган.

АҚШ яшил суғурта бозоридаги улуши 30% атрофида бўлиб, айниқса, хусусий сектор ташаббуслари ва технологик инновациялар орқали ривожланмоқда. Мамлакатдаги суғурта компаниялари экологик хавфларни баҳолашда илғор таҳлилий моделлардан фойдаланади ва “insurtech” платформалар орқали яшил маҳсулотлар таклиф қилмоқдалар. Шу билан бирга, қайта тикланадиган энергия (куёш ва шамол), электромобиллар ва энергия тежовчи қурилмалар учун суғурта тузилмалари кенгаймоқда. АҚШда айрим штатлар (масалан, Калифорния, Нью-Йорк) маҳаллий қонунчилик орқали яшил суғурта маҳсулотларини фаол тарғиб қилмоқда.

Осиё-Тинч океани ҳудуди, хусусан Хитой, Жанубий Корея ва Япония, яшил иқтисодиётга ўтишни давлат даражасида стратегик вазифа сифатида белгилаган. Шу сабабли, суғурта компаниялари янги бозор имкониятларини ўзлатириб боришмоқда. Бозор улуши ҳозирча 20% атрофида бўлса-да, 2030 йилгача ушбу улушни 30–35%гача ошириш бўйича ижобий прогнозлар мавжуд. Хитойда яшил облигациялар ва улевод бозорлари билан биргаликда яшил суғурта механизмлари ҳам ривожланмоқда. Бу эса, суғурта бозорида янги маҳсулотлар яратиш ва уларни тижоратлаштириш учун катта салоҳият бўлиб хизмат қилмоқда.

Бошқа ҳудудлар (Жанубий Америка, Африка) – истикболли, аммо етарлича ривожланмагандир уларнинг улуши бор йўғи 5%ни ташкил этади. Жанубий Америка ва Африка яшил суғурта бозорида ҳозирча нисбатан кичик улушга эга. Лекин бу ҳудудларда иқлим рисклари (қурғоқчилк, туфонлар, қум бўронлари ва бошқа табиий офатлар) кўп учрайдиганлиги сабабли, параметрик ва экологик жавобгарлик суғурта турларига эҳтиёж кттадир. Давлатнинг институционал салоҳияти паст бўлгани ва аҳолида молиявий саводхонлик етишмаслиги сабабли бу бозор тўлиқ ривожланмаган. Аммо жаҳон молия институтлари (масалан, IFC, UNDP, Swiss Re) томонидан амалга оширилаётган дастурлар ушбу минтақаларда яшил суғуртани жорий этиш имкониятларини ошириб бормоқда

Яшил суғурта бозори ҳудудлар кесимида турли даражада ривожланган бўлиб, Европа ва АҚШ етакчи иштирокчилар ҳисобланади. Осиё-Тинч океани минтақаси юқори ўсиш салоҳиятига эга бўлса, Жанубий Америка ва Африка ҳозирча тўлиқ ривожланмаган, аммо истикболли ҳудудлар қаторида саналади. Ҳар бир ҳудуддаги сиёсий, иқтисодий ва демографик омиллар яшил суғурта маҳсулотларининг таркиби ва кенг ёйилишига таъсир қилмоқда. Шу боис, минтақавий стратегияларни таҳлил қилиш суғурта компаниялари учун муҳим аҳамият касб этади.

Яшил суғурта маҳсулотлари замонавий суғурта бозорида нафақат рискларни бошқариш воситаси, балки экологик барқарорликни таъминловчи молиявий механизм сифатида ҳам аҳамият касб этмоқда. Ушбу маҳсулотлар турлари қайта тикланадиган энергия, энергия самарадорлиги, экологик жавобгарлик ва параметрик суғурталар – барқарор иқтисодий ривожланишга хизмат қилувчи муҳим молиявий инструментлар ҳисобланади.

Бозор таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, яшил суғурта маҳсулотлари ҳудудий кесимда турлича ривожланган:

- Европа яшил молия ва суғурта соҳасида норматив ҳужжатлар ва давлат сиёсатлари асосида етакчи ҳисобланади.

- АҚШда хусусий сектор ташаббуслари ва технологик инновациялар орқали юқори улуш сақланмоқда.

- Осиё-Тинч океани ҳудудида, хусусан Хитой ва Жанубий Кореяда, давлат қўллаб-қувватлаши ва ривожланиш стратегиялари асосида бозор улуши тез ўсмоқда.

- Жанубий Америка ва Африкада яшил суғурта салоҳияти юқори бўлса-да, институционал ривожланиш пастлиги унинг омалашувини чекламоқда.

Жаҳон тенденцияларидан келиб чиқиб, яшил суғурта бозори яқин йилларда ўсишда давом этади. Унинг ривожини – давлат сиёсати, хусусий сектор ташаббуси, технологик инновациялар ва жамоатчилик экологик онгининг ўсишига боғлиқдир.

Шу боис, илмий ва амалий нуқтаи назардан яшил суғурта маҳсулотларини қўллаб-қувватлаш, норматив базани такомиллаштириш ва бозор инфратузилмасини шакллантириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Бу нафақат рискларни молиявий жиҳатдан бошқариш имконини яратади, балки иқлим ўзгаришига мослашиш, табиий ресурсларни тежаш ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга ҳам хизмат қилади.